

V. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 107333,0 млрд. сўм, (доллар эквивалентида 13,3 млрд. АҚШ долл.) ёки 2017 йилга нисбатан 118,1 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга инвестициялар йиллар бўйича динамикасини кузатадиган бўлсак, 2005 йилда – 2,0 трлн. сўм ёки 12,0 % ўсишни, 2010 йилда – 10,8 трлн. сўм ёки 9,0 % ўсишни, 2015 йилда – 28,5 трлн. сўм ёки 8,1 % ўсишни ташкил этган бўлиб, жорий йилда энг юқори кўрсаткич 18,1 % қайд этилганини таъкидлаш лозим.

Жорий йилда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилишига катта ҳисса қўшган Давлат ривожланиш дастурига киритилган **йирик инвестиция лойиҳалари** қуйидагилар:

Тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ-кимё комплекси қурилиши;

Бухоро вилоятида: *Кандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишловчи заводнинг қурилиши, Хаузак ва Шади конларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш, шунингдек Қувачи-Олот конларини кенгайтириш;*

Қашқадарьё вилоятида: *Хисор инвестиция блоки ва Устюрт ҳудудида маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим асосида конлар билан ишлаш ва углеводород қазиб чиқаришни ташкил этиш;*

Наманган вилоятида: *Тўрақўрғон туманида қуввати 450 МВт дан бўлган икки буг-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши;*


Тахياتош иссиқлик электр станциясида 230-280 МВт қувватли иккита буг-газ қурилмаси қурилиши;

Навоий иссиқлик электр станциясида 450 МВт қувватли 2 буг-газ қурилмасини кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари;

Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексининг қурилиши

ЯИМ га нисбатан асосий капиталга инвестициялар – 26,3 % ни таъкил этиб, 2017 йилнинг мос давридаги кўрсаткичига нисбатан 3,7 % пунктга кўнайди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари




2018 йилнинг январь-декабрида жами асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни 66,7 % и Республиканинг олти худудида, жумладан, Тошкент шаҳрида – 20,4 %, Қашқадарё вилоятида – 14,3 %, Навоий вилоятида – 9,4 %, Тошкент вилоятида – 8,7 %, Бухоро вилоятида – 7,3% ва Наманган вилоятида – 6,6% ўзлаштирилди.

Қатор худудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди, жумладан, Навоий вилоятида ўтган йилга нисбатан 184,6 % (асосий капиталга инвестициялар ҳажми 10059,1 млрд. сўм), Наманган вилоятида – 171,2 % (7131,0 млрд. сўм), Қорақалпағистон Республикасида – 162,2 % (6046,4 млрд. сўм), Жиззах вилоятида – 155,9 % (3169,2 млрд. сўм), Сурхондарё

вилоятида – 149,5 % (6111,0 млрд. сўм), Фарғона вилоятида – 146,6 % (4978,4 млрд. сўм), Тошкент вилоятида – 123,7 % (9351,4 млрд. сўм), Хоразм вилоятида – 122,8 % (2980,0 млрд. сўм), ва Тошкент шаҳрида – 114,7 % (21861,5 млрд. сўм).

Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар




2018 йилнинг январь-декабрида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида – 10411,0 минг сўм (ёки 2017 йилга нисбатан 181,5%), мос равишда Тошкент шаҳрида – 8787,5 минг сўм (112,7 %), Қашқадарё вилоятида – 4816,6 минг сўм (ёки 104,9 %), Бухоро вилоятида – 4162,9 минг сўм (ёки 49,7%), Қорақалпағистон Республикасида – 3257,7 минг сўм (159,9 %), Тошкент вилоятида – 3247,1 минг сўм (122,3 %) ва Наманган вилоятида – 2615,8 минг сўм (168,0 %) қайд этилди.

**2018 йилнинг январь-декабрида асосий капиталга инвестицияларнинг
молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши**


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Асосий капиталга инвестициялар	107333,0	118,1	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар	34448,4	159,9	32,1
бюджет маблағлари	4124,1	88,7	3,8
Давлат мақсадли жамғармалари	5468,7	170,6	5,1
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	271,2	129,0	0,3
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	7894,8	103,7	7,4
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	16689,6	2,8p	15,5
Марказлашмаган инвестициялар	72884,6	105,3	67,9
корхона маблағлари	30062,9	106,5	28,0
аҳоли маблағлари	12127,8	104,1	11,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	14660,4	85,8	13,7
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	16033,5	131,3	14,9

Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, % да

2017 йил январь-декабрь




2018 йил январь-декабрь



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2017 йилга нисбатан 159,9 % ёки 34448,4 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 32,1 %и ёки ўтган йилдаги кўрсаткичига нисбатан 8,6 % пунктга кўп) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 72884,6 млрд. сўм ёки 105,3 % (67,9 %).

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари



2017 йилнинг мос даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар улуши 9,1% пунктга ўсди.

Жорий йил давомида қуйидаги йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат кафолати асосида чет эл инвестициялари ва кредитларининг юқори ўсиш суръатларига эришишига асосий сабаб бўлиб ҳисобланади:

Тозаланган метан асосида синтетик суyoқ ёқилги ишлаб чиқаришига мўлжалланган Шўртан газ-кимё комплекси қурилиши;

Навоий иссиқлик электр станциясида 450 MVt қувватли 2 буғ-газ қурилмасини кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари;

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида қуввати 450 МВт дан бўлган икки буг-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши;

Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексининг қурилиши;

“Ангрен” ЭИЗ да конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги ва автомобил шиналари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (II-босқич);

Поп-Наманган-Андижон ва Қариш-Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш;

Поп-Қўқон-Андижон участкасини электрлаштириш билан бирга Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линияларини қурилиши;

“Шарғункўмир” АЖ кўмир қазиб олиш лойиҳавий қувватини йилга 900 минг тоннага етказиш учун модернизация қилиш;

Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида канализация тизими ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш;

Сирдарё вилояти Боёвут, Ховост, Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманлари аҳоли яшаш пунктларида ва туман марказларида сув таъминоти тизимини такомиллаштириш;

Бухоро вилояти Олот, ҳамда Қоракўл туманларида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш;

Хоразм вилояти Тошсока ирригация тизими магистрал сугориш каналларини қайта тиклаш ва бошқалар.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 7894,8 млрд. сўмни (доллар эквивалентида 978,4 млн. АҚШ доллар) ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,7 % га кўпайди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган энг катта инвестиция лойиҳалари қуйидагилар:

Тахиатош иссиқлик электр станциясида 230-280 МВт қувватли иккита буг-газ қурилмаси қурилиши;

“Кокпатас” ва “Даугизтау” конларида олтинни ажратиш олиш технологияларини такомиллаштириш;


“Ауминсо-Амантой конлари” да олтин-мағданли конларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича конларни қуриш (ГМЗ-5) (I-II босқич);

Шеробод туманида цемент заводи қурилиши;

Тошкент вилояти (Олмалиқ шаҳри) да Ёшлик I конини ўзлаштириш

“Мурунтау” карьерига ишлов бериш (V босқич);

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан корхона маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 28,0 %), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (14,9 %) ҳисобига тўғри келди

Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган йирик давлат аҳамиятидаги ижтимоий инвестиция лойиҳаси:

Дастур бўйича “Ўзшаҳарқурилиши инвест” ИК томонидан шаҳар жойларда арзон кўп қаватли турар жойлар қурилиши.

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига қўйидаги йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди:


Кандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришига тайёрлаш ва газни қайта ишловчи заводнинг қурилиши;

Хаузак ва Шади конларини ишлаб чиқаришига тайёрлаш, шунингдек Қувачи-Олот конларини кенгайтириш Бухоро вилояти;

Хисор инвестиция блоки ва Устюрт ҳудудида маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим асосида конлар билан ишлаш ва углеводород қазиб чиқаришни ташкил этиши;

Бухоро вилояти Хўжасаёт участкасидаги Денгизкўл газ-конденсати кони, Хўжадават газ-конденсати кони ва Шарқий Олот газ-конденсати конини қайта жиҳозлаш.

Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби



Жорий даврда иқтисодиётнинг нодавлат сектори инвестициялари ҳажми 2017 йилнинг мос даври кўрсаткичига нисбатан 12,6 % пунктга ўсди. Ўзбекистон Республикаси бўйича жами инвестициялардаги нодавлат секторининг улуши – 81,2 %ни ташкил этди, жумладан, Қашқадарё вилоятида – 95,4 %га етди, Қарақалпоғистон Республикасида – 87,4 %, Тошкент вилоятида – 87,8 %, Наманган вилоятида – 86,6 % Бухоро вилоятида – 86,1 %, Фарғона вилоятида – 84,1 %, Андижон вилоятида – 81,9 %, ва Сурхондарё вилоятида – 78,5 %, ни ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш
манбалари бўйича таркиби**

	Жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: (жами нисбатан, %)						
		Республика бюджети	Давлат мақсадли жамғармалари	Корхона ва аҳоли маблағи	Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Тикланиш ва тараққийёт жамғармаси	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	107333,0	3,8	5,1	39,3	14,9	29,2	7,4	0,3
Қорақалпоғистон Республикаси	6046,4	2,8	7,8	37,9	10,0	25,0	16,1	0,4
<i>вилоятлар:</i>								
Андижон	4055,9	3,9	7,0	48,4	18,4	21,7	-	0,6
Бухоро	7846,1	3,0	4,5	29,2	9,4	53,4	-	0,5
Жиззах	3169,2	9,4	10,5	40,9	26,4	12,4	-	0,4
Қашқадарё	15321,1	1,4	2,6	30,4	6,4	54,4	4,5	0,3
Навоий	10059,1	0,8	1,7	38,2	5,6	36,4	17,3	-
Наманган	7131,0	2,8	4,7	26,6	10,7	39,6	15,5	0,1
Самарқанд	5746,9	3,0	9,2	56,6	24,4	6,7	-	0,1
Сурхондарё	6111,0	3,1	8,3	34,2	19,5	29,3	5,4	0,2
Сирдарё	2154,6	10,1	11,0	34,4	31,7	12,1	-	0,7
Тошкент	9351,4	3,6	5,7	39,9	19,8	18,8	12,1	0,1
Фарғона	4978,4	2,8	7,0	46,2	18,0	25,1	-	0,9
Хоразм	2980,0	4,8	10,5	55,0	15,7	11,9	1,6	0,5
Тошкент ш.	21861,5	4,9	2,9	46,5	19,8	17,2	8,6	0,1

¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари
бўйича технологик таркиби
(2018 йил январь-декабрь)

	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	107333,0	20126,7	87206,3
<i>шу жумладан жамига нисбатан % да:</i>			
Қурилиш – монтаж ишлари	49,7	65,2	46,1
Машина, ускуна, инвентар	39,7	28,7	42,3
Бошқа харажатлар	10,6	6,1	11,6

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Республика бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 49,7 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар – 39,7 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши – 10,6 % ни ташкил этди.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган
асосий капиталга инвестициялар *(2018 йил январь-декабрь)*

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>	
		<i>Январь-декабрь 2017 й.</i>	<i>Январь-декабрь 2018 й.</i>
Асосий капиталга инвестициялар - жами	107333,0	100,0	100,0
<i>Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3561,1	3,5	3,3
Тоғ - кон саноати	12253,9	20,8	11,4
Ишлаб чиқариш саноати	23661,6	17,9	22,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	15241,1	8,0	14,2

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан % да	
		Январь-декабрь 2017 й.	Январь-декабрь 2018 й.
сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	2587,8	1,4	2,4
қурилиш	2436,2	2,1	2,3
улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	4042,2	3,7	3,8
Ташиш ва сақлаш	7969,5	9,3	7,4
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1296,8	0,8	1,2
Ахборот ва алоқа	920,1	2,8	0,9
Молия ва суғурта фаолияти	1064,3	1,2	1,0
Профессионал, илмий ва техник фаолият	1354,1	0,8	1,3
Таълим	2772,1	2,2	2,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2720,4	2,3	2,5
Саънат, кўнгиш очиш ва дам олиш соҳаси	2157,3	0,8	2,0
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	17695,8	16,2	16,5
Бошқа фаолият турлари	5598,7	6,2	5,2

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 12253,9 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 11,4 %), шу жумладан хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турида 8871,7 млрд. сўм (8,3 %), ишлаб чиқариш саноатида 23661,6 млрд. сўм (22,0 %), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3041,5 млрд.сумм (2,8 %), текстиль маҳсулотларни ишлаб чиқариш 4636,6 млрд.сумм (4,4%), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 4097,2 млрд. сўм (3,8 %), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 2776,8 млрд. сўм (2,6 %), металлургия саноатида 4299,8 млрд. сўм (4,0 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 15241,1 млрд. сўм, (14,2 %), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 2587,8 млрд. сўм, (2,4 %), қурилиш фаолияти турида 2436,2 млрд. сўм (2,3 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 7969,5 млрд. сўм (7,4%), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 4042,2 млрд. сўм (3,8 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 920,1 млрд. сўм (0,9 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 1354,1 млрд. сўм (1,3 %), таълим соҳасида 2772,1 млрд. сўм (2,6 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 17695,8 млрд. сўм (16,5 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

2018 йилнинг январь-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби



Ишлаб чиқариш объектларни ва қувватларни ишга тушириш

2018 йил январ-декабр ойларида янги қурилиш, модернизация ва реконструкция қилиш ҳисобига Ишлаб чиқариш объектларни ва қувватларни ишга тушириш куйидаги маълумотлар билан акс эттирилган:

	Ишга тушириш	Асосий фондлар қиймати, млн.сўм
"O'zbekenergo" ДАК		
ЛЕР-0.4-6-10 кВ (Янги қурилиш ва реконструкция), км	1179,3	210455,1
ВЭС электрузатиш линияси 110-кВ (Янги қурилиш), км	38,5	22765,8
Трансформаторлар (янги қурилиш ва реконструкция), дона	426	40365,9
Подстанция , (янги қурилиш ва реконструкция), объект	9	7370,8
"O'zbekneftegaz" МХК		
Комплекс газни қайта ишлаш заводи ва Қандим кони гурухи (янги қурилиш), дона	41	11742201,3
Газ кони қудуқлари (янги қурилиш ва реконструкция), дона	74	1528720,5
Конлар (янги қурилиш ва реконструкция), дона	77	2204893,3
Газ қувурини қуриш (янги қурилиш ва реконструкция), км	109,5	442119,2
НТМК		
Ер ости портлаш (янги қурилиш) ишларини олиб бориш учун портлўвчи - эмульсияси ишлаб чиқариш заводини объектини қуриш (объект)	1	45 880,9

	<i>Ишга тушириш</i>	<i>Асосий фондлар қиймати, млн.сўм</i>
720 м горизонтдан 540 м горизонтгача бўлган шахта қурилиши (янги қурилиш) <i>объект</i>	1	26 203,8
Горизонтни очиш ва тозалаш (янги қурилиш), <i>метр</i>	600	78 794,7
Горизонтни очиш ва тозалаш (янги қурилиш), <i>метр</i>	540	44 060,0
Техник ва технологик қайта жихозлаш (реконструкция), <i>объект</i>	<i>Тайинланган қувват</i>	79 575,1
Лойихани амалга ошириш (реконструкция) учун устувор <i>объект</i>	<i>Тайинланган қувват</i>	49 217,0
ОТМК		
Цемент заводини қуриш (янги қурилиш), <i>минг тонна /йилда.</i>	1,5	1 558 782,9
Хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишловчи (капитал таъмирлаш) объектларни кенгайтириш <i>тонна/руда</i>	1	307 388,6
АК "O'zbektelekom"		
Оптик толали алоқа линияси (янги қурилиш ва реконструкция), <i>км</i>	898,6	16176,9
Асосий станциялар, <i>бирликлар</i>	213,0	36 576,0
Асосий станциялар (кенгайтириш), <i>бирликлар</i>	1684	201 396,9
"O'zbekoziqovkoholding" ХК		
Қуришиш хоналари (реконструкция), сошлаш <i>комплект</i>	60	27210,4
"O'zpxtayog" ОАЖ		
Юкори протеинли грануладан тайёрланган хайвон еми учун ускуналар (янги қурилиш ва реконструкция), <i>тонна/кун</i>	142	14577,1


	<i>Ишга тушириш</i>	<i>Асосий фондлар қиймати, млн.сўм</i>
Қуритилган мева ишлаб чиқариш учун ускуналар (янги қурилиш), <i>минг тонна / йил</i>	900	3 542,0
Пакет ишлаб чиқарувчи цех (реконструкция)	3 000	3 182,3
Навоий вилояти "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси		
Ичимлик суви таъминоти учун сув қувури (янги қурилиш) <i>км</i>	61,1	15 796,0
Сув хўжалиги вазарлиги		
Суғориш тармоқлари (реконструкция қилиш), <i>км</i>	24,3	9451,2
Канал (реконструкция), <i>км</i>	42,4	7105,5
Ёпиқ суғориш тизимлари (янги қурилиш), <i>км</i>	12,5	11 764,9
Барраж қурилиши (янги қурилиш), <i>дона</i>	4	5 967,2
Насос станцияси (янги қурилиш), <i>м3/сек</i>	0,7	6 035,0
АК "Uzdonmaxsulot"		
Энергияни тежовчи ускуналар (қайта таъмирлаш), <i>тонна / кун</i>	250	11 200,2
АО"Узкимёсаноат"		
Охактошни қазиб олиш учун карер 2 та объект (янги қурилиш), <i>минг/тонна</i>	870	28 664,2
Кальцийланган сода (янги қурилиш), <i>минг/тонна. в год</i>	200	329 637,2
АК "Uzsanoateksport"		
Товуқ фермаси (янги қурилиш), <i>объект</i>	-	3 640,5
Агро-саноат комплекси (янги қурилиш), <i>объект</i>	-	25 113,0

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби
(кичик тадбиркорлик субъектларисиз келтирилган 2018 йил январь-декабрь)

	<i>Корхона ва ташкилотларни кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш</i>	
	<i>Хажм, млрд.сум</i>	<i>Жамига нисбатан, %да</i>
Ўзбекистон Республикаси	17303,6	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	2551,4	14,7
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	685,2	4,0
Бухоро	958,2	5,5
Жиззах	690,1	4,0
Қашқадарё	952,9	5,5
Навоий	2473,8	14,3
Наманган	705,1	4,1
Самарқанд	802,7	4,6
Сурхондарё	1629,6	9,4
Сирдарё	265,4	1,5
Тошкент	1558,7	9,0
Фарғона	920,7	5,3
Хоразм	598,3	3,5
Тошкент ш.	2428,5	14,0

Асосий капиталга инвестицияларнинг тарор ишлаб чиқариш таркибида республика бўйича янги қурилишнинг улуши – 61,8%, кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантиришга харажатларнинг улуши – 25,3 %, бошқа йўналишларга харажатлар улуши эса – 12,9% ташкил этди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби



● Янги қурилиш ● Кенгайтириш, реконструкция, модернизация ● Бошқалар

Корхона ва ташилотларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қурулантириш, ҳамда кенгайтиришга инвестициялар ҳажми 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 47,2 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси асосий капиталга инвестициялар бўйича корхона ва ташилотларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қурулантириш, ҳамда кенгайтиришга инвестициялар улуши – 25,3 % ни ташкил этди, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида – 55,0 % этди, Хорезм вилоятида – 42,7%, Фарғона вилоятида – 41,1% и Сурхандарё вилоятида – 39,2% ташкил қилди.

Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2018 йилнинг январь-декабрида 31350,0 млрд. сўм (доллар эквивалентида 3,9 млрд. АҚШ долл.) ёки 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 136,6 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 29,2 % ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Қашқадарё вилоятида (26,6 %), Бухоро вилоятида (13,4 %), Навоий вилоятида 11,7 % кузатилди.


Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, кредитларни қўшган ҳолда

	<i>Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм</i>		<i>Хорижий инвестициялар, нисбатан % да</i>	
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан, кредитлар</i>	<i>жамига</i>	<i>асосий капиталга инвестициялар</i>

Ўзбекистон Республикаси	31350,0	18264,9	100,0	29,2
Қорақалпоғистон Республикаси	1512,1	1067,8	4,8	25,0
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	878,6	299,2	2,8	21,7
Бухоро	4189,9	344,6	13,4	53,4
Жиззах	392,3	74,7	1,3	12,4
Қашқадарё	8339,2	6835,5	26,6	54,4
Навоий	3662,1	3571,8	11,7	36,4
Наманган	2822,6	2369,0	9,0	39,6
Самарқанд	384,1	147,6	1,2	6,7
Сурхондарё	1788,8	1059,9	5,7	29,3
Сирдарё	261,1	120,8	0,8	12,1
Тошкент	1760,1	509,6	5,6	18,8
Фарғона	1250,3	219,3	4,0	25,1
Хоразм	355,5	202,9	1,1	11,9
Тошкент ш.	3753,3	1442,2	12,0	17,2

2018 йилнинг январь-декабрида ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМ га нисбати 7,7 % ни ташкил этиб, ўтган йилниг мос даврига нисбатан 2,0 % пунктга кўпайди.

**Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш
(млн. АҚШ долл.)**




Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 3885,3 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 1816,9 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларни, ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 46,8 % ташкил этди.

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2018 йилнинг январь-декабрида 14660,4 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 85,8 % ни ташкил қилди.

2018 йил январь-декабрь ойларида тўғридан-тўғри ва бошқа чет эл инвестициялари ва кредитларининг ЯИМ даги улуши 3,6 % ни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 пунктга камайди.

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби



Қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар кам ўзлаштирилди: хом нефть ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турига жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг 17,2 % ини ташкил этиб, 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 4,8 % пунктга, мос равишда ахборот ва алоқа 1,4 % ни ташкил этиб (0,6 % пунктга), сув билан таъминлаш, канализация фаолият тури 2,5 % ни ташкил этиб (0,5 % пунктга) камайди.

Шу билан бирга, қуйидаги иқтисодий фаолият турларига хорижий инвестиция ва кредитлар: тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечак ишлаб чиқариш фаолитида 5,8 % (1,6 % пунктга), ташиш ва сақлаш 5,6% (0,1 % пунктга), озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолитида 1,2 % (0,5 % пунктга) кўпайди.

Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

Жами асосий капиталга инвестицияларда турар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар 17695,8 млрд. сўмни ёки жами инвестициялар ҳажмида 16,5 % ни ташкил этди.

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш

	<i>Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан:</i>			
	<i>Ишга туширилди</i>		<i>2017 йил мос даврига нисбатан % да</i>	
	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>
Турар жойлар умумий майдони, <i>минг кв.м.</i>	12078,1	8359,8	105,4	106,7
<i>улардан:</i>				
якка тартибдаги турар жойлар	10370,3	6898,0	114,9	110,5
намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар	1653,7	1453,3	99,5	92,0
Касалхоналар, <i>ётоқ</i>	6032	570	141,3	132,6
Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), <i>қатнов</i>	19368	10150	251,4	261,9
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, <i>ўқувчи ўрни</i>	77436	35204	82,0	69,4
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни капитал тамирлаш, <i>бирлик</i>	156	х	102,6	х
Сув тармоғи, <i>км</i>	3951,4	3508,9	159,9	177,9
Газ тармоғи, <i>км</i>	165,0	131,7	54,1	80,3

2018 йилнинг январь-декабрида умумий майдони 12078,1 минг кв.м (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 105,4 %) бўлган 79,2 минг хонадонга эга 88,0 минг турар жойлар, жумладан 8359,8 минг кв.м. (106,7 %) қишлоқ жойларда ишга туширилди.

Коммунал соҳа объектлари қурилишида 3951,4 км сув тармоғи (3508,9 км қишлоқ жойларда) ва 165,0 км газ тармоғи (131,7 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, улар 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 159,9 % ва 54,1 % ни ташкил этди. Қишлоқ жойларда мос равишда 177,9 % сув тармоғи ва 80,3 % газ тармоғи ишга туширилди.

2018 йилнинг январь-декабрида ишга туширилган турар жойлар

	Ишга туширилди, жами		Улардан: якка тартибдаги турар жойлар	
	минг кв.м	2017 йил январь-декабрь % да	минг кв.м	2017 йил январь-декабрь % да
Ўзбекистон Республикаси	12078,1	105,4	10370,3	114,9
Қорақалпоғистон Республикаси	812,6	115,8	712,8	124,0
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	1018,9	126,5	847,2	128,6
Бухоро	1209,5	148,6	1064,7	164,6
Жиззах	588,0	106,4	457,0	103,9
Қашқадарё	1137,2	96,4	948,0	104,3
Навоий	668,0	104,8	595,8	125,8
Наманган	1151,1	106,7	1024,4	105,8
Самарқанд	990,9	100,5	828,6	111,0
Сурхондарё	1071,0	105,6	955,2	108,6
Сирдарё	128,6	75,3	82,0	129,6
Тошкент	919,5	89,5	826,4	95,0
Фарғона	1086,8	137,0	887,2	146,0
Хоразм	700,9	79,6	614,8	85,1
Тошкент ш.	576,7	70,8	526,2	112,8

Умумий майдони 10370,3 минг кв.м. ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,9 % якка тартибда қурилган турар жойлар ишга туширилди.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар қурилиши бўйича Давлат дастурининг бажарилиши натижасида 2018 йил январь-декабрида умумий майдони 1653,7 минг кв.м. бўлган 16,7 минг турар жой, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 99,5 % турар жойлар қурилиши яқунланди.

Касалхоналар, амбулатор-поликлиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари янги қурилиши ва реконструкцияси учун 1148,0 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу соғлиқни сақлаш фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 42,3 % ини ташкил этди.

Касб-хунар коллежлари қурилиши ва реконструкциясига 61,1 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган инвестицияларнинг 2,2 % ини ташкил этди.


Таълим жараёнини сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган чора тадбирлар натижасида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар қурилиши ва реконструкцияси учун жами 627,4 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 22,6 % ини ташкил этди.

Сув тармоғи қурилишида 966,4 млрд. сўм, газ тармоғлари қурилишида 9,1 млрд. сўм ўзлаштирилди.

Қурилиш ишлари

2018 йилнинг январь-декабрида 47260,7 млрд. сўм ёки 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 109,9% қурилиш ишлари бажарилди.

Худудлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш сурати



Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги ҳудудларда кузатилди: Навоий вилоятида – 128,5 % ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 23,1 % пунктга кўпайди, Самарқанд вилоятида 105,3% (10,0 % пункт), Тошкент вилоятида 110,1 % (9,8 % пункт) ва Қашқадарё вилоятида 103,5 % (3,6 % пункт) кўпайди.


Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари

	Жами, млрд. сўм	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да	
		давлат	нодавлат
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	47260,7	4,6	95,4
Қорақалпоғистон Республикаси	1831,5	4,5	95,5
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	2442,5	4,1	95,9
Бухоро	3231,0	5,3	94,7
Жиззах	1273,4	5,9	94,1
Қашқадарё	3458,2	5,1	94,9
Навоий	2004,6	25,6	74,4
Наманган	1917,7	6,8	93,2
Самарқанд	2918,5	1,1	98,9
Сурхондарё	2366,9	3,0	97,0
Сирдарё	733,3	7,0	93,0
Тошкент	2543,2	6,7	93,3
Фарғона	2682,7	2,2	97,8
Хоразм	1748,5	6,1	93,9
Тошкент ш.	8765,1	5,2	94,8

1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

Иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги қурилиш ишлари ҳажми 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 1,4 % пунктга ўсди. Ўзбекистон Республикаси бўйича жами қурилиш ишлари нодавлат секторининг улуши 95,4 % ни ташкил этди, жумладан, Самарқанд вилоятида – 98,9 % даражага етди, Фарғона вилоятида – 97,8 %, Сурхандарё вилоятида – 97,0 %, Андижон вилоятида – 95,9 % ва Қорақалпағистон Республикаси– 95,5 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми (млрд. сўм)



Жами қурилиш ишларидан 79,6 % янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қурулантириш ишларига тўғри келади, шунингдек, 20,4 % ини капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ташкил этди.

Ҳисобот даврида бино ва иншоотлар қурилиши бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 36977,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 111,4 % ни, мос равишда, фуқаролик қурилиши объектлари бўйича қурилиш ҳажми 5238,2 млрд. сўмни (ёки 102,4 %ни), ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми 5045,4 млрд. сўм (ёки 107,9 % ни) ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми

(млрд. сум)

	Қурилиш ишлари, хизматлар жами	шу жумладан иқтисодий фаолият турлари:		
		Бино ва иншоотлар қурилиши	Фуқаролик қурилиши объектлари	Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	47260,7	36977,1	5238,2	5045,4
Қорақалпоғистон Республикаси	1831,5	1236,9	217,7	376,9
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	2442,5	1931,4	145,3	365,8
Бухоро	3231,0	2279,4	426,9	524,6
Жиззах	1273,4	999,6	193,0	80,8
Қашқадарё	3458,2	2731,7	254,3	472,2
Навоий	2004,6	1746,4	141,6	116,6
Наманган	1917,7	1370,8	284,7	262,3
Самарқанд	2918,5	2432,0	320,6	165,8
Сурхондарё	2366,9	1632,2	606,4	128,3
Сирдарё	733,3	523,1	135,6	74,6
Тошкент	2543,2	1973,9	307,1	262,1
Фарғона	2682,7	2139,8	173,1	369,8
Хоразм	1748,5	1408,3	206,9	133,3
Тошкент ш.	8765,1	5227,8	1825,0	1712,3

Қурилиш ишларининг асосий қисми иқтисодиёт фаолият тури бўйича бино ва иншоотлар қурилишга тўғри келди, унинг улуши 2017 йилнинг мос даврига нисбатан жами қурилиш ишлари ҳажмининг 78,2 % ни ташкил этиб, 1,1 % пунктга кўпайди.

Иқтисодиёт фаолият тури фуқаролик қурилиши объектлари бўйича 11,1% ни ташкил этди, ёки 0,8 % пунктга камайди, мос равишда ихтисослаштирилган қурилиш ишлари 10,7% (ёки 0,3%).